
"Беш ташаббус олимпиадаси" доирасидаги "Ёш китобхон"

танловининг туман босқичи ғолиблари аниқланди

Маҳалла ёшлари ўртасида "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасидаги "Ёш китобхон" танловининг Ўзбекистон тумани босқичи бўлиб ўтди.

Китобга меҳр қўйган ёшларнинг чинакам маърифат ва заковат тадбирига айланган танловда иштирокчилар 10-14, 15-19, 20-30 ёш тоифаларида ўз билимларини синовдан ўтказишди.

Яқунда, қайд этилган ёш тоифалари бўйича ғолибликни қўлга киритган Маҳзуна Иқболжонова ("Даштчўлпон" маҳалласи), Шахлохон Маъмурова ("Зинаша" маҳалласи) ва Фарихон Орипова ("Қайнар" маҳалласи) танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш йўлланмасига эга бўлди.

2024-12-11 11:31:30